

Сийрат дарслари (154-дарс). Топаётган луқмангиз ҳалолми?



17:10 / 01.10.2021 4622

565. Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳеч ким ҳеч қачон ўз қўли билан топган таомдан яхшироқ таом еган эмас. Аллоҳнинг набийи Довуд алайҳиссалом ўз қўли билан топганидан ер эди»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

566. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамларга бир замон келадики, унда киши олган нарсасининг ҳалолданми ёки ҳаромданлигига парво қилмайди»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

567. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, еган нарсангизнинг энг покизаси касбингиздандир. Авлодларингиз ҳам касбингиздандир»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

568. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ҳинд бинт Утба: «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Суфён хасис одам, менга ва боламга кифоя қиладиган нарсани бермайди. Фақат унга билдирмай олсамгина бўлур», деди. **«Ўзингга ва болаларингга кифоя қиладиганини маъруф ила олавер»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан